

ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕХНАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1874,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 4585 кишига ёки 0,2 фоизга кўпайди.

2018 йил январь-март ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	7607	7322	-285	16,7	15,9
Ўлганлар	2317	1930	-387	5,1	4,2
Табиий ўсиш	5290	5392	102	11,6	11,7
Никоҳлар	3380	3387	7	7,4	7,3
Ажралишлар	498	438	-60	1,1	0,9

2018 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 7322 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (7607 киши) нисбатан 285 тага камайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 15,9 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16,7 промилле) нисбатан 0,8 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Ғиждувон (18,2 дан 16,9 промиллега), Бухоро (16,3 дан 13,4 промиллега), Жондор (15,9 дан 13,7 промиллега), Пешкў (17,2 дан 15,8 промиллега), Қоровулбозор (16,0 дан 14,1 промиллега), Вобкент (17,2 дан 15,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-мартда ўлганлар сони 1930 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (2317 киши) нисбатан 387 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,2 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-мартда – 5,1 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши фақатгина Когон туманида (3,0 дан 3,9 промиллега) кузатилди.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-мартда ФХДЁ органларида 3387 та никоҳлар ва 438 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,3 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 7,4 та) ва 0,9 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 1,1 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1620 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2427 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 807 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 545 киши) тенг бўлди.


¹⁾ дастлабки маълумот

Энг катта минус қолдиклар Бухоро шаҳрида (минус 580), Олот туманида (минус 111), Ѓиждувон (минус 223) туманларида кузатилди.


2018 январь-март ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати (ҳар 1000 кишига)




Доимий аҳоли сони ¹⁾ (2018 йил 1 апрель ҳолатига, минг киши)



Тузилган никоҳлар сони ¹⁾ (январь-март ойларида)



Никоҳдан ажралишлар сони ¹⁾ (январь-март ойларида)



1) Дастлабки маълумот